QMMB: 06/25/232/1102-son
27.11.2025-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2025 yil «26» ноябрь №ПФ–232

Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

“**Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир**” деган устувор ғоя асосида замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш, юридик таълим, илм-фан ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар юридик таълим ва илм-фан ривожланишида эришиладиган **асосий вазифалар** этиб белгилансин:

(а) юридик таълим жараёнларининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган **амалий ўқитиш** ҳамда **клиник ва дуал таълим** тамойилини жорий этиш;

(б) юридик таълим тизимида **таълим – тадқиқот – амалиёт** интеграциясини йўлга қўйиш, бошқарувда **академик-коллегиал ёндашувларни** янада кенгайтириш;

(в) юридик таълим **самарадорлиги ва сифати устидан назоратни** кучайтириш;

(г) Тошкент давлат юридик университетининг (кейинги ўринларда – Университет) **2030 йилга қадар** нуфузли **Quacquarelli Symonds рейтингида** ҳуқуқ соҳаси бўйича юқори 1 000 талик университетлар рўйхатига киришини таъминлаш.

II. Таълим сифатини янада кучайтириш ва ўқув жараёнларига сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш

2. **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб** Университетда тажриба тариқасида **амалий ўқитиш ҳамда клиник ва дуал таълим тамойили** асосида таълим олиш тизими жорий этилсин. Бунда:

   (а) **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи курс талабалари** учун юридик таълим дастурларининг **50 фоизи** (назарий қисмлари) **аудиторияларда**, **50 фоизи** (амалиёт қисми) **суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи** органлар ва **бошқа юридик соҳага оид ташкилотларда** ўтказилади;

   (б) таълим дастурларининг назарий қисмларини амалий мисоллар асосида ўқитиш (**problem-based learning**) орқали талабада муаммоли вазиятни таҳлил ва хулоса қилиш каби **“юмшоқ” кўникмалар (soft skills)** ва **назарий билимларни** шакллантиришга эътибор қаратилади;

   (в) таълим дастурларининг амалий қисмлари **суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, консалтинг ва соҳага доир бошқа ташкилотларда**, шунингдек, юридик клиникада клиник семинарлар ўтказиш орқали олиб борилади.

3. **2027/2028 ўқув йилидан бошлаб** “Юриспруденция” таълим йўналиши мавжуд бошқа давлат олий таълим ташкилотларида Университет тажрибаси натижаларидан келиб чиқиб, амалий ўқитиш ҳамда клиник ва дуал таълим тамойили асосида таълим олиш тизими йўлга қўйилсин.

4. Университетда **таълим – тадқиқот – амалиёт** интеграциясини таъминлаш мақсадида соҳавий факультетлар тизими **академик департамент**, **тадқиқот, амалиёт ва карьера марказлари**дан иборат таркибда шакллантирилсин. Белгилансинки:

   (а) Университет кафедралари негизида **илмий-тадқиқот ва амалиётга асосланган, юқори сифатли таълим** беришга йўналтирилган **академик департаментлар** ва улар таркибида **шўъбалар** қуйидаги тартибда ташкил этилади:

      (i) академик департаментлар таълим йўналиши бўйича кадрларга бўлган талабни аниқлаш орқали **таълим ва фан дастурларини** ишлаб чиқади, **ўқув жараёнларини сифатли ташкил этишга** масъул ҳисобланади;

(ii) академик департаментлар шўъбалари **суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда** ҳам ташкил этилади ҳамда таълим дастурлари тегишли ташкилотлар ходимлари иштирокида **амалиётдан келиб чиқиб такомиллаштириб** борилади;

(б) тадқиқот марказлари **факультетлар йўналишидан келиб чиқиб**:

(i) илмий ходимлардан иборат бўлади, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммо ва камчиликларни **илмий ёндашувлар асосида тадқиқ қилади**, натижаларини **ўқув жараёни ва амалиётга жорий этиш** бўйича таклифлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқади;

(ii) фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқот лойиҳалари ҳамда буюртмалар асосида тегишли соҳага доир **қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг илмий экспертизасини** амалга оширади, мақсадли **илмий тадқиқот лойиҳалари** орқали долзарб муаммоларнинг илмий ечимларини ишлаб чиқади;

(в) амалиёт ва карьера марказлари факультет талабалари **амалиётини**, **клиник ва дуал таълимни** суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, консалтинг ва соҳага доир бошқа ташкилотларда ташкил этади ҳамда **битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга** кўмаклашади;

(г) мазкур тизимда факультет **деканлари**, департамент **бошлиқлари** ва марказ **раҳбарларини сайлаш амалиёти** жорий этилиб:

(i) сайловлар **Университет кузатув кенгаши** томонидан тасдиқланадиган **тартиб асосида** ўтказилади;

(ii) факультет деканлари, департамент бошлиқлари ва тадқиқот маркази раҳбарлари **икки ўқув йилига сайланади** ҳамда бир шахс **сурункасига икки муддатдан ортиқ** мазкур лавозимларга сайланиши мумкин эмас;

(iii) академик департаментлар бошлиқлари ва марказлар раҳбарлари **факультет декани ўринбосарлари** ҳисобланади;

(iv) шўъбалар профессор-ўқитувчилар таркибидан иборат бўлиб, уларнинг раҳбарлари **кафедра мудирларига** тенглаштирилади;

(д) Университетнинг амалдаги таркибий бўлинмаларининг тегишли **ваколат ва функциялари факультетларга ўтказилиши ҳисобига** уларнинг **штат бирликлари қисқартирилади** ва уларда фақатгина **тегишли йўналишлар бўйича мувофиқлаштириш ва умумлаштириш функциялари** қолдирилади;

(ж) мазкур ўзгаришлар доирасида факультет бошқарув ходимлари томонидан профессор-ўқитувчиларга **уларнинг юкламаларида назарда тутилмаган вазифа ва топшириқлар берилишига** йўл қўйилмайди.

5. 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

(а) Университетда қуйидагиларни назарда тутувчи **“Университет 5.0”** концепцияси асосида барқарор ривожланишга қаратилган таълим муҳити шакллантирилсин:

(i) талабаларга йўналтирилган **таълим жараёни орқали** уларнинг ижодий салоҳиятини доимий ривожлантириш ҳамда ижтимоий масалаларни ечишга қодир бўлган мутахассислар тайёрлаш;

(ii) Университет академик мустақиллигини таъминлаш доирасида **коллегиал органларнинг бошқарувдаги ролини** ошириш;

(iii) таълим жараёнларида замонавий технологиялар, сунъий интеллект ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган **инсонпарварлик қадриятларини ўзаро мувозанатли интеграциялашга қаратилган** инновацион экотизим яратиш;

(б) Университетда таълим дастурлари, таълим ва бошқарув жараёнига қуйидагилар орқали **соҳадаги халқаро стандартлар** жорий этилсин:

(i) Университет ва таълим дастурларини **халқаро институционал ва дастурий аккредитациядан ўтказиш**;

(ii) талабаларга **фан ва ўқитувчиларни танлаш** учун кенг имкониятлар яратиш орқали **профессор-ўқитувчилар ўртасида рақобат муҳитини** шакллантириш;

(в) Университет **учинчи ва тўртинчи курс талабаларини** давлат ташкилотларига, нотариат ва адвокатлик тузилмаларига **иш юритувчи, юрисконсульт ёрдамчиси** сифатида ишга қабул қилишга рухсат этилсин.

6. Таълим жараёнларига **сунъий интеллектни** жорий этиш, **ҳуқуқий технология ва рақамли ҳуқуқ** йўналишларини ривожлантириш мақсадида **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб**:

(а) Университетда **сунъий интеллект асосида** дарс сифатини баҳолаш тартиби жорий этилсин. Бунда электрон таълим платформасида:

(i) талабаларнинг **оралиқ билими даражасини аниқлаш** механизми белгиланади;

(ii) якуний назорат ишларини **сунъий интеллект томонидан баҳолаш** йўлга қўйилиб, **инсон омили** чекланади;

(iii) сунъий интеллект технологиялари асосида **тьюторлик фаолияти талаба кўмакчиси** сифатида жорий этилади;

(iv) фан ўқитувчисининг дарс ўтишини баҳолаш йўлга қўйилади;

(б) Университетда **“Рақамли ҳуқуқ” (Digital Law) халқаро таълим йўналиши** жорий этилсин. Бунда:

(i) мазкур йўналишга ўқишга қабул қилиш танловлари халқаро стандартларга мувофиқ ихтисослашган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда **IQ тест** тартибида ўтказилади ва танловда чет тиллари бўйича **B2 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга шахслар** иштирок этади;

(ii) ўқув жараёни **инглиз ва бошқа тилларда** олиб борилади;

(iii) ўқув жараёнига етук **хорижий профессор-ўқитувчилар** жалб этилади.

III. Юридик таълим жараёнларини янги босқичга олиб чиқиш ва таълим сифати назоратини янада кучайтириш

7. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

(а) Университетга белгиланган тартиблар асосида қабул қилинадиган Университет ҳузуридаги академик лицейлар, юридик техникумлар битирувчилари ҳамда олий маълумотга эга бўлган шахслар учун улар танловига кўра кириш мумкин бўлган бакалавр таълим йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлашнинг махсус **уч йиллик таълим дастури** жорий этилсин, уларни қабул қилиш ва ўқитиш **алоҳида қабул квотаси** ва тўлов-контракт асосида амалга оширилиши белгилансин;

(б) Университетда **бизнесни ҳуқуқий бошқариш ва тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар тайёрлашга** замонавий ёндашувларни жорий қилиш, мазкур масалаларда ҳуқуқий инфратузилмани такомиллаштириш мақсадида:

(i) **“Корпоратив ҳуқуқ ва бошқарув”** таълим мутахассислиги амалдаги ва қўшимча квоталар доирасида;

(ii) тадбиркорлик фаолиятида ҳуқуқий билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган **“Master of Legal Administration” (MLA) бир йиллик ўқув дастури** жорий этилсин;

(в) Қашқадарё юридик техникуми негизида **Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицей**ни **ташкил этиш тўғрисидаги** таклиф маъқуллансин;

(г) белгилансинки, Университет ҳузуридаги академик лицейларда:

(i) **тижорат гуруҳлари ташкил этилишига**;

(ii) ўқитувчилар ва ходимларга **Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан** устамалар тайинлашга рухсат этилади.

8. Таълимнинг **барча босқичларида** юридик таълимни ривожлантириш мақсадида **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб**:

(а) умумий ўрта таълим мактабларининг **5–7-синфларида тарбия фани** доирасида ўқувчиларнинг **ҳуқуқий онгини шакллантиришга** қаратилган мавзуларда визуал (комикс) контентлардан фойдаланиш йўлга қўйилсин;

(б) “Юриспруденция” ҳамда “Давлат ва жамият бошқаруви” таълим йўналишида бакалавр даражасига эга бўлган шахсларга **қайта тайёрлов курсларидан ўтмасдан** умумий ўрта таълим мактабларида **давлат ва ҳуқуқ асослари** фани бўйича дарс беришга рухсат этилсин;

(в) ҳуқуқ фанидан билиш даражасини баҳолаш бўйича тест синовини ташкил этиш ҳамда унинг натижалари асосида **давлат намунасидаги сертификат** бериш тартиби жорий этилсин.

9. Юридик таълим **самарадорлиги ва сифати устидан назоратни** кучайтириш мақсадида **2026 йил 1 мартдан бошлаб**:

(а) абитуриентларни “Юриспруденция” таълим йўналишларига ўқишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари, ички ишлар органлари ходимлари, фан олимпиадалари ғолиблари, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга татбиқ этиладиган имтиёзлардан ташқари “Юриспруденция” таълим йўналишига алоқадор бўлмаган олий таълим ташкилотларига киришдаги **қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилиши тўхтатилсин**;

(б) Университетда “Юриспруденция” бакалавриат таълим йўналишидан бошқа турдош таълим йўналишлари битирувчилари учун **икки йиллик магистратура мутахассислиги** жорий қилинсин.

IV. Университет бошқарувида академик-коллегиал ёндашувларни жорий қилиш, илмий тадқиқотлар ва амалиёт интеграциясини таъминлаш

10. Университет бошқарувида профессор-ўқитувчиларнинг ролини ошириш, қарорлар қабул қилишда коллегиал ёндашувларни янада кенгайтириш мақсадида **Университет профессорлар кенгаши (Senate of Professors)** ташкил этилсин ва унга қуйидаги ваколатлар берилсин:

(а) Университетни **узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш** дастурини тасдиқлаш;

(б) халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг **юқори ўринларидан жой олиш бўйича мақсадли чораларни** белгилаш;

(в) ҳуқуқ соҳасидаги **долзарб илмий тадқиқотларнинг**, **илм-фанни ривожлантиришнинг** устувор йўналишларини белгилаш;

(г) **академик ҳалоллик** ва **тадқиқот этикаси стандартлари**ни тасдиқлаш;

(д) ваколатлари доирасидаги масалаларни **кўриб чиқиш учун ўз таркибида қўмиталар тузиш** ва уларнинг аъзоларини сайлаш.

11. Университет профессор-ўқитувчи ва докторантлари фаолиятининг **амалиётдаги ўзгаришлар билан узвий боғлиқлигини** таъминлаш мақсадида **2026 йил 1 январдан** бошлаб:

(а) Университет профессор-ўқитувчи ва докторантлари учун тегишлилигича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органларида ҳар **ҳафтада камида бир маротаба** стажировка ўташ ва амалий муаммоларни жойига чиқиб ўрганиш тизими йўлга қўйилсин;

(б) ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижалари учун таклифлар тегишлилигича **парламент, республика ижро этувчи ҳокимият органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи** ва **бошқа давлат органларида** муҳокамадан ўтказиб борилсин;

(в) Университетнинг тадқиқот марказлари томонидан тегишли соҳа ва йўналишлар бўйича қонун лойиҳалари ҳамда **халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиш** бўйича қонун лойиҳаларини **илмий экспертизасини ўтказишга** рухсат этилсин.

V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

12. **Юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш бўйича “йўл харитаси”** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ **ўзгартиришлар** киритилсин.

14. Адлия вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ушбу Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири А.Д. Ташкулов белгилансин.

16. Мазкур **Фармон ижросини мониторинг қилиб бориш режаси** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда:

(а) Адлия вазирлиги Фармон ижросини **мониторинг режасига асосан** ҳар йили **15 февралга** қадар **мониторингдан ўтказсин** ҳамда мониторинг **натижаларини** Ҳисоб палатасига киритиб борсин;

(б) Ҳисоб палатаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мониторинг режаси асосида **Фармон ижросини назорат қилсин** ҳамда **ҳар йили 25 февралга** қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

(в) **“Ijro.gov.uz” тизимида** Фармон ижросини **назоратдан ечишда мониторинг режасида кўрсатилган мақсадларга эришилганлиги** инобатга олинсин.

17. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳуқуқий экспертиза ва комплекс таҳлил қилиш департаменти бошлиғи А.Б. Самадов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/25/232/1102-son
27.11.2025-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 26 ноябрдаги ПФ–232-сон Фармонига
1-илова

Юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
I. Юридик кадрлар тайёрлаш тизими узлуксизлигини таъминлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари					
1.	“Юриспруденция” таълим йўналиши бўйича ҳуқуқнинг фундаментал тармоқларига ихтисослаштирилган йўналишлар ва янги “Рақамли ҳуқуқ” таълим йўналишини жорий этиш. Бунда “Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик” ҳамда “Рақамли ҳуқуқ” таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш танловлари халқаро стандартларга мувофиқ ҳамда шунга ихтисослашган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда IQ тест ўтказиш тартибида ҳамда танловда B 2 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга шахслар иштирок этиши ва ўқув жараёни инглиз тилида олиб борилиши тартибини белгилаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2026 йил май	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, ТДЮУ
2.	ТДЮУда амалий ўқитиш ҳамда клиник ва дуал таълим тамойили асосида таълим олиш тизимини жорий этиш мақсадида иккинчи, учинчи ва тўртинчи курс талабалари учун юридик	Ташкилий чора-тадбирлар	2026/2027 ўқув йилидан бошлаб доимий	–	ТДЮУ, Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура,

	таълим дастурларининг 50 фоизини (назарий қисмлари) аудиторияларда, 50 фоизини (амалиёт қисми) суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, консалтинг ва соҳага доир бошқа ташкилотларда ўтказиш. Бунда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, консалтинг ва соҳага доир бошқа ташкилотлар томонидан ТДЮУ тақсимоти бўйича амалиётга юборилган талабалар учун зарур шароитларни яратиш.				Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Университет тажрибаси натижалари асосида амалий ўқитиш ҳамда клиник ва дуал таълим тамойили асосида таълим олиш тизимини “Юриспруденция” йўналиши мавжуд бошқа давлат олий таълим ташкилотларида йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027/2028 ўқув йилидан бошлаб	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	ТДЮУ фаолиятига халқаро стандартларни жорий этиш ва халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича кенгаш таркибини тасдиқлаш. Бунда ТДЮУни кенгашнинг ишчи органи этиб белгилаш.	Адлия вазирининг буйруғи	2026 йил декабрь	–	Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ТДЮУ
5.	Университет профессорлар кенгаши (Senate of Professors) низомини тасдиқлаш ва фаолиятини йўлга қўйиш.	Кузатув кенгаши қарори	2026 йил февраль	–	Адлия вазирлиги, ТДЮУ
6.	ТДЮУда **таълим – тадқиқот – амалиёт** интеграциясини таъминлаш мақсадида соҳавий факультетлар тизимини академик департамент, тадқиқот маркази ҳамда амалиёт ва карьера марказидан иборат тартибда шакллантириш.	Кузатув кенгашининг қарори	2026 йил февраль	–	Адлия вазирлиги, ТДЮУ

7.	ТДЮУ ҳузуридаги академик лицейлар битирувчилари, юридик техникумлар битирувчилари ҳамда олий маълумотга эга бўлган шахслар учун бакалаврларни тайёрлашнинг махсус уч йиллик таълим дастурига алоҳида қабул квотаси ва тўлов-контракт асосида ТДЮУга қабул қилиш ҳамда ўқитиш тартибини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2026 йил март	–	Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
8.	Ҳуқуқ фанидан билиш даражасини баҳолаш бўйича тест синовини ташкил этиш ҳамда унинг натижалари асосида давлат намунасидаги сертификат бериш бўйича тартибни ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2026 йил март	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
9.	Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ташкил этиладиган юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсини битирган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахсларга **юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотларида юридик маслаҳат хизмати** билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2025 йил декабрь	–	Адлия вазирлиги, Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти
10.	Магистратура таълим мутахассисликлари доирасида ўтиладиган фанлар ва ихтисослик йўналишларини қайта кўриб чиқиб, таклифларни тайёрлаш ва Адлия вазирлигига киритиш.	Ахборот хати	2026 йил февраль	–	ТДЮУ

11.	ТДЮУда юридик таълим ва амалиётнинг **ўзаро интеграцияси** доирасида: тажрибали адвокатларни келишув асосида юриспруденция таълим йўналишидаги талабаларга **“амалий ментор”** сифатида бириктириш амалиётини жорий этиш; юридик клиника фаолиятига тажрибали адвокатларни жалб қилган ҳолда талабаларда жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш бўйича **“малакали маслаҳат бериш”** ва **“ҳуқуқий таъминлаш”** кўникмаларини шакллантиришни йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил февраль	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси *(келишув асосида)*
II. Таълим жараёнларини сифатли ва самарали ташкил этиш ҳамда сунъий интеллектни жорий этиш					
12.	Замонавий, содда тилда ёзилган, жозибадор ўқув адабиётларини яратиш. Бунда: замонавий, содда тилда ёзилган ва жозибадор **ўқув адабиётлари (smart book) ва амалий мисолларга асосланган қўлланмалар (casebook) тайёрлаш**, хорижий адабиётларни давлат тилига таржима қилиш ва нашр этиш; чет элдаги ватандош, хорижий олимлар ва мутахассислар билан ҳаммуаллифликда ҳуқуқ тамойилларининг амалда ишлашини содда тушунтириб берувчи дарсликларни яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил октябрь	ТДЮУ ва “Юриспруденция” таълим йўналиши мавжуд олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, ТДЮУ

13.	**Буюк Британия Олий таълим сифатини таъминлаш агентлиги** (The Quality Assurance Agency for Higher Education) ва хорижий экспертлар билан шартнома асосида **халқаро таълим стандартларини тегишли йўналишларда жорий этиш** ҳамда ТДЮУ ва унинг таълим дастурларини халқаро институционал ва дастурий аккредитациядан босқичма-босқич ўтказиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2027 йил декабрь	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, ТДЮУ
14.	IT соҳасига ихтисослашган олий таълим ташкилотлари ҳамда хусусий IT компаниялар билан юридик соҳада **Legal Tech start-up** лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2027 йиллар	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ
15.	Оралиқ ва якуний назорат ишларини текшириш жараёнларига **сунъий интеллект технологияларини босқичма-босқич** жорий қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2027 йиллар	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Олий суд
	Процессуал фанлардан дарс жараёнларида **виртуал суд мажлислари** ва **тергов жараёнларини** имитация ва симуляцияларини **виртуал реаллик технологиялари орқали** амалга ошириш.				
16.	Университет таъсисчилигида фаолияти ҳуқуқий амалиёт соҳасида рақамлаштириш, барча жараёнларни автоматлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий қилишга қаратилган “**Ҳуқуқий технологиялар ва**	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2027 йиллар	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ

	сунъий интеллект лабораторияси” спин-офф компаниясини ташкил этиш.				
III. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг амалий натижадорлиги ва тижоратлашувини таъминлаш, халқаро стандартларни жорий этиш					
17.	ТДЮУда ҳамкор олий таълим ташкилотлари, шу жумладан, Буюк Британия, Польша, Хитой, Корея Республикаси давлатлари университетлари билан музокараларни якунлаб, натижасига кўра ҳамкорлик доирасида **қўшма таълим дастурлари**, хорижий ҳамкор ташкилотлар ўқув стандартлари асосида ўқитиш орқали хорижий диплом беришга асосланган таълим йўналишларини шартнома асосида очиш. Хорижий таълим ташкилотлари билан шартнома асосида таълим хизматларидан фойдаланиш ва таълим хизматларини кўрсатиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ТДЮУ
18.	ТДЮУда “Рақамли ҳуқуқ” соҳаларо ихтисослиги бўйича илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2025 йил декабрь	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ТДЮУ, Адлия вазирлиги
19.	ТДЮУ профессор-ўқитувчи ва докторантлар фаолиятининг амалиётдаги ўзгаришлар билан узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида тегишлилигича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат ташкилотларида стажировка ўташ ҳамда амалий муаммоларни жойига чиқиб ўрганиш тизимини йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил март	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда бошқа ҳомийлик маблағлари	ТДЮУ, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

20.	ТДЮУ ўзининг ўқув режалари, мутахассислик дастурлари ва таълим усулларини франшизинг тартибида маҳаллий ва хорижий таълим ташкилотларига бериш ҳамда хорижда ТДЮУнинг филиалларини очиш орқали юридик таълим экспортини амалга ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2027 йиллар	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ТДЮУ
21.	Қуйидагиларни назарда тутган ҳолда босқичма-босқич ТДЮУнинг халқаро ҳамкорлик йўналишидаги имиджи (ўрни)ни янги босқичга олиб чиқиш: Европа университетлари билан ҳамкорликда ТДЮУда **Европа ҳуқуқи** (Европа иқтисодий ҳуқуқи) **марказини** очиш; Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорлик қилиш ҳамда **WTO LAW (Жаҳон савдо ташкилоти ҳуқуқи) марказини** очиш; АҚШ ва Буюк Британия университетлари ҳамда соҳа экспертлари билан ҳамкорлик асосида ТДЮУда **Инглиз ҳуқуқи марказини** ташкил этиш; Туркия университетлари билан ҳамкорликда ТДЮУда **Турк-ўзбек ҳуқуқ марказини** очиш; Хитой университетлари билан ҳамкорликда ТДЮУда **Хитой ҳуқуқи марказини** очиш; халқаро юридик компаниялар ва халқаро низоларни ҳал этиш марказлари (арбитраж ва медиация марказлари) билан ҳамкорлик ўрнатиш, уларга амалиёт ўташга ТДЮУ талабаларини юбориш амалиётини жорий этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	 2027 йил март 2027 йил апрель 2027 йил май 2026 йил май 2026 йил сентябрь 2026 йил февраль	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, ТДЮУ

22.	ТДЮУ олий таълим ва олий юридик таълим (IAUP, AIEA, IALS, GAJE, ALU SCO ва бошқалар), шунингдек, халқаро-ҳуқуқий унификация соҳасидаги халқаро ташкилотларга (UNCITRAL, UNIDROIT, HCCH ва бошқалар) аъзо бўлиши ҳамда уларнинг мажлис ва муҳокамаларида университет раҳбарияти ва мутахассисларининг фаол қатнашишини таъминлаш, ушбу ташкилотларнинг мажлисларини Ўзбекистонда ўтказиш чораларини кўриш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
23.	Университет талабаларининг ҳуқуқ соҳасидаги халқаро танловларда фаол қатнашиши тизимини йўлга қўйиш ҳамда халқаро тажрибага мувофиқ ҳар йиллик “**International Digital Law Moot**” халқаро танловини ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь ойидан бошлаб	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
24.	ТДЮУнинг республикада хорижий инвесторлар билан **бевосита ишловчи адвокатлик тузилмалари** адвокатлари, хорижий консультантлар билан ҳамкорлигини кучайтириш доирасида уларни **таълим ва тадқиқот** жараёнларига жалб қилиш, ушбу тузилмаларда **талаба ва магистрантларнинг амалиёт ўташи** учун шароитлар яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2025 йил декабрдан бошлаб доимий равишда	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси *(келишув асосида)*
25.	ТДЮУда **республикада юридик соҳада кўзга кўринган, машҳур юристларнинг илмий-ҳуқуқ мактабларин**и жорий қилиш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида **тадқиқот марказларига бириктириш**.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил март	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Адлия вазирлиги

26.	Илмий тадқиқотлар ва илмий ишланмалар натижаларини тижоратлаштириш ҳамда интеллектуал фаолият натижаларини амалда жорий этиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахс мақомида “Spin-off” компанияларини ташкил этиш. Бунда юқори турувчи ва бошқа давлат органлари томонидан рухсат олиш талаб этилмайди ҳамда ТДЮУ улуши бошқа давлат органларига ўтказилмайди. Шунингдек, “Spin-off” компаниялари устав жамғармасига (устав капиталига) бошқа юридик ва жисмоний шахсларни жалб этиш мумкин.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил август	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	Адлия вазирлиги, ТДЮУ
27.	Республикадаги ҳуқуқ факультетларининг миллий рейтинги ва Марказий Осиё давлатларидаги ҳуқуқ факультетларининг халқаро предметли рейтингини аниқлаш тизимини йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, ТДЮУ
28.	ТДЮУ базасида юридик йўналишдаги талаба ёшлар ҳамда ёш ҳуқуқшунослар иштирокида “**YOSHLAW**” халқаро ёшлар форумини ўтказиб бориш тизимини йўлга қўйиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2027 йил май	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
29.	Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш мақсадида ТДЮУ инновацион жамғармаси ҳисобидан илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини молиялаштиришга рухсат бериш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил январь	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	Адлия вазирлиги, ТДЮУ

30.	Хорижий олий таълим ташкилотларида “**Ўзбекистон ҳуқуқ маркази**” ва уларнинг кутубхоналарида “**Ўзбекистон ҳуқуқий адабиётлари**” бўлимини ташкил этиш орқали мамлакатимиз ҳуқуқ тизими бўйича халқаро хабардорликни ошириш. Бунда ТДЮУ томонидан инглиз тилидаги ҳуқуқий адабиётлар тайёрланиши ҳамда етакчи хорижий нашриётларда (Oxford University Press, Cambridge University Press, Wolters Kluwer, Thomson Reuters, Springer, Brill, Hart Publishing, Edward Elgar Publishing ва бошқалар) шартнома асосида нашр қилинишини ташкил қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026–2030 йиллар	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
31.	Хорижий мамлакатлар давлат хизматчилари учун “**Ўзбекистон ҳуқуқий тизими**” қисқа муддатли ўқув дастурини жорий этиш ва бу орқали Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар ва миллий ҳуқуқий қадриятлар билан халқаро ҳамжамиятни таништириш фаолиятини йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил апрель	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	Адлия вазирлиги, ТДЮУ
32.	Аниқ режа-графикка асосан уч йилда камида бир маротаба: **ТДЮУ профессор-ўқитувчилари ва ходимларини** хорижий стажировкага, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш, малака ошириш курсларига **уларнинг соҳасидан келиб чиқиб** юбориш; ТДЮУ раҳбар ходимларини етук хорижий университетларнинг профессионал таълим	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил январь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, миллий ва халқаро грант маблағлари, халқаро	ТДЮУ

	дастурларида (Executive Programs) малака ошириши тартибини жорий қилиш.			ташкилотлар маблағлари	
33.	ТДЮУнинг тадқиқот марказлари томонидан тегишли соҳа ва йўналишлар бўйича қонун лойиҳалари ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиш бўйича қонун лойиҳаларининг илмий экспертизасини ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш. Бунда қонун лойиҳаларининг илмий экспертизасини ўтказишда фаол иштирок этган профессор-ўқитувчиларни ТДЮУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил январь	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	Адлия вазирлиги, ТДЮУ
IV. ТДЮУда иш жараёнини рақамлаштириш, унинг моддий-техника базасини яхшилаш ва молиявий мустақилликни янада кучайтириш					
34.	ТДЮУда бошқарув жараёнларини рақамлаштириш доирасида: талабалар йиғмажилдлари ҳамда маълумотларини **тўлиқ рақамлаштириб**, **электрон шаклда** амалга ошириш; ўқув режа ва фан дастурларини **тўлиқ электрон шаклга ўтказиш**, ўқув жараёнига доир ҳужжатлар айланишини рақамли форматда ташкил этиш; ходимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг самарадорлик кўрсаткичларини **мунтазам таҳлил қилиш** ҳамда улар асосида иш ҳақини тайинлашда **рақамли ёрдамчи воситалардан фойдаланиш** орқали **шаффофликни ошириш**;	Адлия вазирлиги буйруғи	2026 йил февраль	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

	университетнинг электрон таълим платформасини мавжуд соҳага оид ахборот тизимлари билан **интеграциялаш** орқали **ягона рақамли экотизимни шакллантиришга эришиш**.				
35.	Янги Тошкент ҳудудидан ТДЮУнинг замонавий кампусини барпо этиш учун зарур ҳудуд ажратилишини таъминлаш. Адлия вазирлиги буюртмачи билан биргаликда энг мақбул таклифларни танлаш асосида ТДЮУнинг замонавий кампусини қуриш ишларини ташкил этиш. Бунда ТДЮУнинг замонавий кампусини лойиҳалаш ва қуриш жараёнига ҳамда уни молиялаштиришга халқаро молия институтлари, халқаро, регионал ва хорижий банкларнинг имтиёзли маблағларини ҳамда хорижий йирик қурувчи компанияларни жалб этиш чораларини кўриш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2025 йил декабрь 2025–2028 йиллар	ТДЮУ ва Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро грантлар	“Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекцияси”, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Адлия вазирлиги, “Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекцияси”, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
36.	ТДЮУнинг Янги Тошкент ҳудудида барпо этиладиган **биносининг лойиҳалари**, ўқув жараёнларини ва амалий машғулотларни, **илмий тадқиқотларни сифатли ташкил** этиш доирасида яратиладиган **шароитлар бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида тақдимот қилиш.	Амалий-чора тадбир	2026 йил апрель	–	Адлия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, ТДЮУ
37.	ТДЮУнинг етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил март	Маҳаллий бюджетнинг	Адлия вазирлиги,

	таълим дастурлари учун халқаро стандартларга жавоб берадиган инфратузилма яратиш мақсадида қўшимча бино ажратиш, уни **реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, зарур ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва кутубхона фондлари билан таъминлаш.**			қўшимча маблағлари ва ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ТДЮУ
38.	ТДЮУда фуқаролик-ҳуқуқий ва меҳнат шартномаси асосида фаолият юритадиган хорижий профессор-ўқитувчилар учун хонадонларни шартнома асосида ТДЮУ ҳисобидан ижарага олиш. Шунингдек, хорижий профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларни ТДЮУга кенг жалб этиш чораларини кўриш. Бунда хорижий профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар билан ўзаро келишилган миқдорларда тўловларни амалга ошириш ҳамда хорижий валютада тўғридан-тўғри хорижий ҳисоб рақамларига тўловларни ўтказишга рухсат этиш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
39.	ТДЮУнинг йиллик умумий молиявий даромадининг 5 фоизидан ошмайдиган қисмини талабалар ва профессор-ўқитувчилар иштирокидаги стартаплар, LegalTech ва тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтириш ҳамда юридик инновация ва бизнес-	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги

	лойиҳаларни молиялаштириш, акселерация дастурлари, mentorship ва incubation дастурларини ташкил этиш.				
40.	Сунъий интеллект тизимларига уланиш ва улардан ўқув, илмий-тадқиқот жараёнларида асосли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил январь	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Рақамли технологиялар вазирлиги
41.	Қашқадарё юридик техникуми негизида **ТДЮУ академик лицейини** ташкил этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2026 йил сентябрь	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, ТДЮУ
42.	ТДЮУ **электрон таълим платформасини "УзАСБО"** дастурий мажмуаси ҳамда **HEMIS** – Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимига ҳамда бошқа электрон тизимларга (kontrakt.edu.uz, billing.edu.uz, prof.edu.uz, emis.edu.uz, pedagog.edu.uz) интеграция қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил январь	–	ТДЮУ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
43.	Миллий ҳуқуқ тизими қадриятларини ва юридик касбга жамият эътиборини ошириш ҳамда ҳуқуқ устуворлиги принципларини кенг сингдириш ва қонунга ҳурмат руҳини	Ташкилий чора-тадбирлар	ТДЮУ янги бинога кўчирилганда	ТДЮУ бюджетдан ташқари маблағлари	ТДЮУ, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд,

	шакллантириш мақсадида ТДЮУнинг амалдаги биноларида: ТДЮУ ҳузуридаги Ўзбекистон ҳуқуқи тарихи музейини; Ўзбекистон низоларни ҳал этиш марказини; ТДЮУ Рақамли ҳуқуқ марказини; Рақамли суд экспертиза марказини жойлаштириш.		н сўнг олти ой муддатда		Ички ишлар вазирлиги, Адвокатлар палатаси *(келишув асосида)*, Нотариал палата, манфаатдор вазирлик ва идоралар
44.	ТДЮУнинг бўш турган маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча даромадларни ошириш мақсадида Марказий банкнинг шу даврда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган фоизларда энг яхши таклифларни мустақил танлаб олиш йўли билан тижорат банкларига депозитга жойлаштириб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	–	ТДЮУ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 26 ноябрдаги ПФ–232-сон Фармонига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон Фармонида:

(а) 3-бандниng иккинчи хатбошисидан “олий” сўзи чиқариб ташлансин;

(б) 1-иловада:

номланишидан “олий” сўзи чиқариб ташлансин;

15-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

15.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти	Юриспруденция Ҳуқуқшунослик

”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5987-сон Фармонида:

(а) 9-бандниng тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги, 10-бандниng тўртинчи хатбошисидаги, 16-бандниng бешинчи хатбошисидаги ҳамда 17-бандниng учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги “лицей” сўзи тегишли келишикдаги “лицейлар” сўзи билан алмаштирилсин;

(б) 11-бандда:

учинчи–бешинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги “лицей” сўзи тегишли келишикдаги “лицейлар” сўзи билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда молия йили учун ТДЮУ ва ТДЮУ ҳузуридаги академик лицейларнинг даромадлар ва харажатлар сметасини, штат жадвалини, бизнес-режасини тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бино ва иншоотларни капитал

таъмирлаш, реконструкция қилиш, ходимларига иш ҳақини тўлаш тизими ва тартибини белгилаш”;

(в) 15-бандда:

“а” кичик бандининг тўртинчи хатбошиси ҳамда “б” кичик банддаги тегишли келишикдаги “лицей” сўзи тегишли келишикдаги “лицейлар” сўзи билан алмаштирилсин;

“в” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ТДЮУ ҳузуридаги академик лицейларнинг барча фанлар бўйича юқори натижаларга эга битирувчилари “юриспруденция” йўналишидаги олий таълим ташкилотларига кириш тест синовларисиз, якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида қабул параметрларидан ташқари кириш ҳуқуқига эга.

Бунда мазкур тартиб 2025/2026 ўқув йилига қадар Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейларга қабул қилинган ўқувчиларга нисбатан татбиқ этилади”;

(г) 2-илованинг 24-позицияси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2025 йилларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчилик тармоқлари бўйича тизимлаштириш дастурининг 8-позицияси чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги ПФ–80-сон Фармони 10-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Наманган ва Самарқанд вилоятлари юридик техникумлари негизида Тошкент давлат юридик университетининг академик лицейларини ташкил қилиш ҳамда уларнинг 2024/2025 ўқув йилида қабул қилинган иқтидорли битирувчиларини “юриспруденция” йўналишидаги олий таълим муассасаларига суҳбат асосида тест синовларисиз қабул қилиш”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1761-сон қарорида:

(а) 10-банддан “олий” сўзи чиқариб ташлансин;

(б) 2-илованинг рус тилидаги матнида:

номланишидан “высших” сўзи чиқариб ташлансин;

32-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

32.	Институт переподготовки и повышения квалификации юридических кадров при Министерстве юстиции Республики Узбекистан	Правоведение	Республика Каракалпакстан, области и г. Ташкент

”.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари билан махсус келишувни талаб қиладиган мансабдор шахслар рўйхатининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Тошкент давлат юридик университети, Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси раҳбарлари”.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низомда:

(а) 7-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 9-бандниng иккинчи хатбошисидаги “Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2932-сон қарорининг 4-бандида:

(а) биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(б) иккинчи хатбоши биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

(в) биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказининг” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4910-сон қарорида:

(а) 11-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(б) 17-банднинг “а” кичик банди учинчи хатбошисидаги “директорининг” сўзи “директори ҳамда директорнинг” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 майдаги “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–184-сон қарорида:

(а) 1-илова 7-бандининг “м” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(б) 2-илованинг 33-позицияси чиқариб ташлансин.

QMMB: 06/25/232/1102-son
27.11.2025-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 26 ноябрдаги ПФ–232-сон Фармонига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–232- сон Фармони ижросини мониторинг қилиш

РЕЖАСИ

Т/р	Индикатор (субиндикатор) номи	Ўлчов бирлиги	Жорий ҳолат *(йиллик)*	Мақсадли кўрсаткичлар						Маълумот беришга масъул идоралар
				2025	2026	2027	2028	2029	2030	
1	*2*	*3*	*6*	*7*	*8*	*9*	*10*	*11*	*12*	*13*
МАҚСАД: АМАЛИЙ ЎҚИТИШ ВА “КЛИНИК ВА ДУАЛ ТАЪЛИМ” ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ										
I. Ресурс кўрсаткичлари										
1.1.	Таълим дастурларининг **амалий қисмларини ўтиш учун** суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, консалтинг ва соҳага доир бошқа ташкилотлар билан **ҳамкорлик битимларини тузиш**	сон	10	12	14	16	18	20	22	Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси, Нотариал палата, манфаатдор вазирлик ва идоралар
1.2.	Таълим дастурларининг назарий қисмларини **ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан босқичма-босқич уйғунлаштириб бориш**	фоиз	10	15	20	40	70	90	100	ТДЮУ

II. Амалиёт кўрсаткичлари										
2.1.	Таълим дастурларининг амалий қисмларини ўтиш учун **ҳамкорлик ўрнатилган суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, консалтинг ва соҳага доир бошқа ташкилотлар** улуши	сон	100	150	180	210	240	270	300	Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси, Нотариал палата, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.2.	Амалиётдан келиб чиқиб **такомиллаш-тирилган модуллар** контенти	фоиз	30	50	60	70	80	90	100	ТДЮУ
2.3.	Таълим жараёнига жалб **этилган амалиётчи ходимлар**	нафар	60	70	110	150	200	220	250	ТДЮУ
III. Натижадорлик кўрсаткичлари										
3.	Иш берувчилар томонидан **ижобий баҳоланган битирувчилар улуши**	фоиз	–	–	70	75	80	85	90	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ТДЮУ
МАҚСАД: “ТАЪЛИМ – ТАДҚИҚОТ – АМАЛИЁТ” ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ										
I. Ресурс кўрсаткичлари										
4.	Академик департаментлар таркибида **кичик йўналиш шўъбаларини** ташкил этиш	сон	0	0	20	22	24	27	30	ТДЮУ

II. Амалиёт кўрсаткичлари										
5.1.	Бошқа ташкилотлар томонидан **ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини** кўриб чиқиш	сон	44	44	50	65	70	75	80	Адлия вазирлиги, ТДЮУ
5.2.	Амалиётга **жорий этилган таклифлар**	сон	30	35	50	55	60	65	70	ТДЮУ
III. Натижадорлик кўрсаткичлари										
6.	Фаолиятни **ижобий баҳолаган** ҳамкор давлат органлари ва бошқа амалиёт **ташкилотлари**	фоиз	–	–	50	65	70	75	80	Адлия вазирлиги, ТДЮУ
МАҚСАД: ЮРИДИК ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ										
I. Ресурс кўрсаткичлари										
7.1.	**Сифат сиёсати ва ички регламентларни** танқидий кўриб чиқиб, қайта қабул қилиш	фоиз	60	65	70	75	80	90	100	ТДЮУ
7.2.	**Таълим сифати тренингларидан** ўтган профессор ўқитувчилар	нафар	30	40	50	60	70	80	100	ТДЮУ
II. Амалиёт кўрсаткичлари										
8.1.	**Double-marking/peer-review амалиёти** қўлланган якуний ишлар	фоиз	0	0	30	40	50	60	70	ТДЮУ
8.2.	Сунъий интеллект ёрдамида **баҳолаш қўлланилган модуллар**	фоиз	0	0	30	50	70	80	90	ТДЮУ
8.3.	Баҳолаш юзасидан **апелляцияларни кўриб чиқишнинг ўртача муддати**	кун	7	7	7	6	5	4	3	ТДЮУ
8.4.	**Антиплагиат текширувларидан** ўтган ишлар	фоиз	0	0	30	40	50	60	70	ТДЮУ

8.5.	**QAA** ва **бошқа нуфузли ташкилотлар** талабларига мувофиқ ўтказилган **ички аудитлар**	сон	1	2	3	3	4	4	5	ТДЮУ
III. Натижадорлик кўрсаткичлари										
9.1.	**Битирувчиларнинг** 6 ой ичида соҳада **бандлиги**	фоиз	60	65	70	75	80	85	90	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ТДЮУ
9.2.	Халқаро олимпиада ва танловларда **совринли ўринлар**	сон	4	4	5	6	9	12	15	Адлия вазирлиги, ТДЮУ
МАҚСАД: ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 2030 ЙИЛГА ҚАДАР НУФУЗЛИ QUACQUARELLI SYMONDS РЕЙТИНГИДА ҲУҚУҚ СОҲАСИ БЎЙИЧА “ТОП–1000” УНИВЕРСИТЕТЛАР ҚАТОРИГА КИРИШИНИ ТАЪМИНЛАШ										
I. Ресурс кўрсаткичлари										
10.1.	**Халқаро аккредитациядан** ўтган таълим **дастурлари улуши**	сон	–	–	–	1	3	5	8	ТДЮУ
10.2.	**Хорижий профессор-ўқитувчилар** улуши	фоиз	1	3	5	8	10	12	15	ТДЮУ
10.3.	**Қўшма таълим дастурлари сони** (*шу жумладан, франшизинг ва аккредитация асосида ўқитиш*)	сон	8	8	9	10	11	12	13	Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ТДЮУ
10.4.	Таълим ва илм-фан соҳасига оид **халқаро ташкилотларда фаол аъзолик**	сон	2	2	3	5	7	9	10	Адлия вазирлиги, ТДЮУ
II. Амалиёт кўрсаткичлари										
11.1.	Scopus базасида **индексацияланган мақолалар**	сон	40	44	50	70	90	110	130	ТДЮУ
11.2.	Scopus базасида **цитаталар**	сон	20	20	30	40	50	60	70	ТДЮУ

11.3.	“**Ўзбекистон ҳуқуқий тизими**” халқаро қисқа муддатли курсдан ўтган **хорижий мутахассислар**	нафар	–	8	10	12	14	16	20	Адлия вазирлиги, ТДЮУ
III. Натижадорлик кўрсаткичлари										
12.	ТДЮУнинг **QS рейтингида ҳуқуқ соҳаси** бўйича ўрни	ўрин	–	–	–	–	–	–	Топ-1000	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ТДЮУ

